

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ЁШЛАРИНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Абдунасинова Х – ТТЭСИ, Ўзбекистон

Буюк мутафаккир шоир ва адиб Алишер Навоий носиб истиснод эгаси бўлиши билан дунёга машҳур бўлди. Навоий математика, астрономия, ҳикматшунослик, муҳандислик илминини қўнт билан урганган. Хиротда узининг ватирлик йилларида ҳам мансаб ва шон-шавкат учун эмас, балки бутун кучини эл-юрт учун хизмат қилишга, ҳунар аҳли ва ҳакимлар ишини халқ фаровонлигига қаратган.

Бугунги замон қанчалик тезкор, глобаллашув даври шиддатли бўлмаски Алишер Навоий ут асарларида талқин этганидек қалби пок, мақсади эгзу, нияти холис инсон

хар доим жамиятнинг орзуси бўлиб кетган. Алишер Навоий ўзининг "Ҳамса"сида ҳам, "Лисон ут-тайр" достонида ва бошқа девони-ю, тасаввуфий асарларида ҳам инсон камолоти ҳақида қўп бора тўхталиб ўтган. Таниқли рус шарқшуноси Е.Бертельс Навоий асарларини таҳлил қилар экан, айниқса, унинг "Ҳамса"га кирган достонлари матнунини ерғитиб беради, улардаги бош қаҳрамонларнинг асосий мақсади халққа хизмат қилиш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, меҳр-шафқатли, инсонпарвар, адолатли ва маърифатли, камтар ва ҳалол, мард ва жасоратли бўлиш эканлигини кўйд қилади [1: 75].

Алишер Навоий ҳазратлари ёшлар тарбиясини татбиқ қилар экан, ёшлар тарбиясининг хусусиятларини Садди Искандарий асарида шундай таҳлил қилади: шохӣ жаҳон Искандар устозӣ Арастудан: «Киши табиати йиғитликда нечуи меҳнатдан нафратланади ва қарилиҳда миҳда ақл қамаяди» деб сўрайди. Жаҳон шохӣ яна буидан савол сўради: «Эй махфий ва нотик сирларининг билимдонӣ! Йиғит кишига ишлар ва касб-хўнаҳ қилиш оғир бўлмайдию, аммо нима учуи ёшлар меҳнат қилишдан қочадилар? Нима сабабдан қўпчилиқ ёшлар уйин-қулгудан узма нарсани уйламайдилар ва тоат-ибодат қилиш уларга оғир туюлади? Йиғитликнинг даври ўтқач эса нима учуи ҳамма ишининг тавҳи, лаззати қамаяди? Ёш йиғитлар нега хўрсандчилиққа учу қариларга уйин-қулгу қймайди?».

Донотлик ҳислатига эга бўлмиш ҳаким айтдики: «Эй, барча одат ва ҳислатлари барқамол шохӣ! Болалиқ айёмларида одамтотда ҳар нарсани тушуниш ва идрок этиш қобилияти қам, табиати эса ақл ва тафаккурдан узоқроқ бўлади. Ёшлиқ чоғлари уйин-қулгуга қанча ўч бўлса, хато ва қамчилиқлари шунчалиқ мул бўлади. Чунки бу пайтда ақл ҳали қарҳлаинмаган. Нафс эса ҳар хил булар бўлмас уйин-қулғуларга ҳавасноқ бўлади. Болалиқ ўтиб, ўспиринлик даври бошлангач, миҳда ақл нури ҳарорат бера бошлайди.

Ўспиринлик даврининг одамлари икки турга ажралади: уларнинг бирида ақлнинг қуввати ошса, иккинчисида нафс қўчланиб кетади. Агар кишининг ақли қувватланиб – ўсиб борса, у яхши ишлар томон йўл олади. Лекин афсуски, олам китобларида бундайлар оз, агар бўлса, бундай ақл эгалари халқ ўртасида муҳтоз ва обрў эгаси буларди. Агар нафси ақлидан ўстун бўлса, уш тарбия қилмоқ керак. Зеро, бундай нафси ақлидан ўстун бўлмиш одам, нафсининг рағбати билан ўйин-қулгуга, маишатга берилади, хато йўлларга кириб кетади. Одамларнинг қўпчилиги нафсининг йўлига тушиб, адашиб қоладилар. Таъғри бутун элни парварош қилгани синғари» [2: 62-63].

Навоий ҳазратлари ёшлар тарбиясини психологик тарафларини очиб беради. Ёшларни ақлий ва нафс тарбиясига ўғтиборни қаратади. Хою-ҳавас, енгил ҳаётга етакловчи нафсини ақл ердамида жиловлаш лозим. Ақл қуввати ошган одамни яхшилиқ йўлида юрувчи инсон бўлиб етишини ўқтиради. Аксинча ёшлигида ўйин-қулгуга, маишатга берилиш инсонни хато йўлларга кириб қолишига сабабчи эканлигини қўрсатиб ўтади. Ёшларнинг улўғ алломаларимизни асарларини ўқиб бундай асарлардаги тарбиявий аҳамиятга эга ҳикоялардан ибрат олиши лозим. Ёшлар орасида бадий адабиётларини, айниқса ҳикматга тула улўғ алломамиз Навоий асарларини қўпроқ тарғиб қилиш лозим.

Замондошн Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" (Олийжаноб ҳулқлар) асарида Навоий етўх шаҳс, ўзида бутун инсоний фатилатларни муҷассамлаштирган қомил инсон сифатида тасвирланади. Асарда Навоийнинг бағрикентлиги, қамтар ва ҳокимсорлиги, саҳоватпешалиги, олимларга ҳомийлиги, юксак ақл эгаси эканлиги, меҳр-муруватлиги, мамлакат ободончилиги йўлида савий-ҳаракатлари, шоиру фўзалар

ва олимларга ғамхурлиги, адолатпарварлиги ва бошқа инсонпарварлик руҳи билан сугорилган фазилатлари хусусида фикр юритилади [3: 83]. Ёшларимизга тўғри йўлни курсатиш – камил инсон бўлиб етиши учун тарбия керак. Айнан одоб-ахлоқ тарбияси зарурдир. Чунки одамни инсон, шайхс бўлиб камол топишида ахлоқий тарбия энг асосий омилдир.

Алишер Навоий ижодини урганган академик Я.Зоҳидовнинг фикрича, Навоий дostonларидаги бадий тинсoллaр дуневий ишларда, инсонпарварликда, гузал хислатларни эгаллашда кoмилликка эришганлар [4: 57]. Кoмил инсон воқелихдаги ҳар бир нарса ва ҳодисани гузаллик ва нафосат асосида улаштиришга эҳтиёж сезар экан, уни қадрият мақомига айлантиради ва келажак авлодлар томонидан бу қадриятлар тизимини сақлаб қолинишига ва уларни мукаммаллаштириштa туртки беради.

Ахлоқий фазилатлар – билимдонлик, донолик, мулоҳазали бўлиш, виждонлилиқ, ҳамтартишлиқ, қўлчилиқ манфзатини юқори қўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилиқ каби хислатлардир. Бу хислатларнинг энг муҳими – ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Бундан ташқари, баркамол шахсни тарбиялаш учун аввало, ёшларда эзгулик туйғуларини шакллантириш даркор.

АДАБИЁТЛАР

1. Бертельс Е. Навои и Давани. Избр. труды. – М.: Наука, 1965. 71-бст.
2. Навоий Алишер. Саъди Нисомидарий. – Т.: 1991.
3. Хондзмир. Мазорини ул-ахлоқ. – Т.: 1967.
4. Зоҳидов Я. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970.